

Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби түғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сон қарорига мувофиқ, Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) вазифалари ва ваколатлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.Умумий қоидалар.

1. Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги Жамоатчилик кенгаши (бундан бўён матнда Кенгаш деб аталади) университетнинг жамоатчилик бошқаруви органларидан бири ҳисобланади.

Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Таълим жараёнида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш орқали профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ижтимоий-маънавий мухит соғломлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар орқали олий таълим муассасасининг фаолиятини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар улар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш, жамоатчилик асосида амалга ошириладиган назорат орқали таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг ҳамда ижодий маданиятнинг янги босқичга кўтарилишига кўмаклашиш Кенгашнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

4. Кенгаш таркибига олий таълим муассаси талабалари, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти университетлари вакиллари, шунингдек олий таълим муассасаси фаолиятига

улкан ҳисса қўшиб келаётган жисмоний ва юридик шахслар вакиллари ҳам кириши мумкин.

5. Кенгашнинг таркиби университет кенгашида тасдиқланади.

6. Кенгаш тўғрисидаги низом ушбу Низом талабарини ҳисобга олган ҳолда Кенгаш томонидан тасдиқланади ва фаолияти йўлга қўйилади.

2-боб. Кенгашнинг вазифалари ва ваколатлари

7. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

Университетга профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳакидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайерлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

8. Кенгаш ўзига юклangan вазифаларни бажариш мақсадида:

а) таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатишда:

ўкув ишларини тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини ўрганиш, академик гурӯҳларини шакллантиришни, ўкув жараёнига тегишли машғулотлар жадваллари сифатини назорат қилади;

деканат ва кафедраларда ўкув юкламаларининг меъёрий талаблар асосида, одилона тақсимот қилинишини, дарс соатлари тақсимоти тўғри ҳисобланишини ўрганади;

профессор-ўқитувчилар томонидан ўкув машғулотлари жадвалига тўлиқ риоя этиши, ўкув машғулотларини кўчириш, ўтказмаслик, дарсга кеч колиш, дарсларни белгилangan вақтидан эрта тугатиш ҳолларини ўрганади, уларнинг сабабларини аниқлайди, таҳлил этади ҳамда тегишли тавсиялар беради;

таълим сифатини назорат қилиш бўлими билан ҳамкорликда факультет профессор- ўқитувчилари томонидан ўзаро дарсга кириш, очик ўкув машғулотларини, муаммоли дарсларни ташкил этиш режаларининг талаб даражасида бажарилишини назоратга олади;

оралиқ ва якуний назоратлар ҳамда якуний давлат аттестациялари жараёнида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

зарурий ҳолларда тегишли мутахассислар иштироқида ишчи гурӯҳлар тузиб, дарсга халақит бермаган ҳолда ўкув машғулотлари сифатини ўрганади, тавсиялар беради;

кафедраларда фанлардан ўқув машғулотларининг замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши, кафедра филиалларида лаборатория ва амалий машғулотларнинг ўтказилишини ташкил этиш, зарурий қўлланмаларнинг, электрон ўқув- услугий мажмуаларининг яратилиши, ўқитиш тизимига замонавий информацион технологиялар, масофавий ўқитиш услубларини қўллаш фаолиятини ўрганади;

профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлар ҳамда талабалар ўртасида соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг мавжудлигини ўрганади ва бу муҳитнинг бузилишига олиб келувчи сабабларни таҳлил этади, зарурий тавсиялар беради;

маънавий-маърифий масалалар бўйича тадбирлар режасини ўрганади, таҳлил қиласи ва бу тадбирларнинг ўқув жараёнига халақит бермаслиги, талабаларни ўқув машғулотларидан асоссиз равишда озод қилиб, турли тадбирларга жалб этиш сабабларини ўрганади, хулосалар тайёрлайди;

талабаларни ҳашарларга, университет ҳудудидаги турли хўжалик ишларига жалб этилишини назорат қиласи ва бу тадбирлар туфайли дарс қолдирилишларга йўл қўймаслик чораларини кўради;

профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларга мукофотлар белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, мукофотланишда шахснинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданан бажаришини, жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини ҳисобга олиниши каби ҳолатларни назорат қиласи;

олий таълим муассасаси, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолияти (ищдан бўшатилиши ёки талабалар сафидан чиқарилиши) билан боғлик бўлган барча турдаги йиғилишларда иштирок этиш учун ўз аъзоларидан вакил тайинлайди;

фаол талабалар (фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ғолиблари) ва ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ бўлган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш бўйича олий таълим муассасаси раҳбариятига тавсиялар киритади;

талаба- ёшларнинг талабалар турар жойларида, хусусий хонадонлардаги яшаш шароитларини ўрганиш, уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш бўйича университет томонидан амалга оширилаётган ишларни назорат қиласи, бу ишларни яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

талабалар орасида тартиббузарлик, ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар тарқалишининг олдини олиш ва ота-оналар кенгashi билан ҳамкорликда бу салбий ҳолатларга қарши фаолият юритиш, назорат этиш, аҳволни яхшилашга оид чора- тадбирлар қўриш юзасидан тавсиялар беради;

талаба-ёшларнинг олий таълим муассасаси ҳудудида, яшаш жойларида турли ножӯя ҳаракатлар қилмаслиги, жамоат тартибига, қонунчиликка риоя этишларини ўрганади, назорат қиласи ва тавсиялар беради;

талабалар учун университет ҳудудида умумий овқатланиш жойларида хизмат ва таомларнинг сифати ва нархини ўрганади;

профессор-ўқитувчиларга илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиш, номзодлик, докторлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб бораётганларни ижтимоий ҳимоялаш, йил давомида фаол илмий иш билан шуғулланиб, яхши натижаларга эришганларни мукофотлаш, суст харакат қилувчиларга чора қўриш каби ишларни назорат қиласди;

профессор-ўқитувчилар томонидан монографиялар, дарсликлар, ўкув қўлланмаларни шартнома асосида тайёрланишини ва уларга ўз вақтида гонорарлар тўланишини ўрганади;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигига олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг натижаларини таҳлил қиласди ва жамоатчилик назоратини ўрнатади;

талабаларни илмий фаолиятга жалб этилиши, халқаро, республика илмий анжуманлари, танловлари, қўргазмалари, фан олимпиадаларида қатнашиши каби ишларни ташкил этилишини ўрганади ва тавсиялар беради;

тўлов-шартнома асосида таълим олаётган талабалар томонидан шартнома талабларининг ўз вақтида бажарилиши, бу борада ота-оналарнинг масъулиятини оширишга каратилган чораларни қўради;

талабаларга стипендияларнинг ўз вақтида берилишини, стипендиялардан ноқонуний ушлаб қолиш ҳамда турли мақсадларда пул йиғиши каби ҳолатларнинг бўлмаслигини назорат қиласди, шу бўйича чоратадбирлар белгилайди;

профессор-ўқитувчилар ва бошка ходимлар ҳамда талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам қўрсатиш каби ишларнинг боришини назорат қиласди ва бу борада тавсиялар беради;

бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишининг мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини назорат қиласди;

ўкув аудиторияларининг аҳволи, тозалик даражаси, дарс ўтиш шароитларини, аудиторияларнинг керакли анжомлар билан таъминланганлигини ўрганади;

б)университетга профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар беришда;

профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва аттестациядан ўтказиши жараёнида иштирок этиш ва фикр билдириш учун ўз аъзоларидан вакил тайинлади;

ишга қабул қилинаётган профессор-ўқитувчининг синов учун ўтказиладиган очик дарсида иштирок этиш учун ўз аъзоларидан вакил тайинлади;

ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равища билдиради.

в) талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказишида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ ўрганиб чиқилиши ҳамда уларнинг асосланган ҳолда, тўлақонли равища қаноатлантирилишини назорат қиласди;

талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказади;

профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билимини ҳолисона баҳоламаслик, таъмагирлик қилиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир қилинишининголдини олиш бўйича чоралар белгилайди, тавсиялар беради;

талабаларнинг ўкув машгулотларига қатнашиши, сабабсиз дарс қолдиришлар, дарсга кечикиш, дарслардан сабабсиз кетиб қолиш ҳолларининг сабабларини ўрганади назорат қиласди;

талабаларнинг фанлар бўйича баҳолашида рейтинг тўғрисидаги низом талабларининг бажарилишини, баҳолаш мезонларини, тажрибали ўқитувчиларнинг иш услубларини ўрганади ва тарғиб этади;

г) университетдаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда:

ўкув, илмий ва тарбиявий ишларни шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширишда, шунингдек, талабаларнинг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топиши учун зарур шароитлар яратишида олий таълим муассасасига кўмак ва тавсиялар беради;

университетнинг шаъни, обрўси ва ҳар жиҳатдан тараққий этиши учун хизмат қиласидан тадбирларни ташкил этади;

университетда жамоатчилик назоратини олиб бориш йўналишларини белгилайди ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда университет кенгашида маълумот беради;

олий таълимдан кейинги таълим тизимининг самарадорлигини танқидий ўрганади ва таҳлил қиласди ҳамда таклифлар киритади;

фаҳрийлар кенгаши билан ҳамкорликда узоқ йиллар меҳнат қилган ва хозирда нафақада бўлган профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг аҳволидан, яшаш шароитларидан хабардор бўлиш, лозим бўлганда моддий ёрдам бериш каби ишларнинг амалга оширилишида ҳамкорлик қиласди;

университетда муаммоли масалалар ечимини топишида ўз ваколатлари доирасида кўмаклашади;

университет Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти йиғилишларида иштирок этиш учун ўз аъзоларидан вакил тайинлади;

университет раҳбарияти ва кенгашига тартибсиз, ички тартиб-қоидалар ва ахлоқ-одоб нормаларига риоя этмаган талабалар ва ходимларга нисбатан тегишли чора қўллаш бўйича таклифини киритади;

талабаларнинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, ўқиши, университетдаги фаолияти юзасидан уларнинг ота-оналарини хабардор қиласди;

коррупция ва бошқа шу каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларда фаол иштирок этади, таклифлар киритади;

кафедралар, факультетларнинг йиллик ҳисботларини ректорат томонидан кўриб чиқишида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Кенгаш амалдаги қонун хужжатларига, ўз Низомига ва университетнинг уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

9. Кенгашда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг хукуқлилиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

Кенгаш, қоидага кўра, сайлов асосида Кенгаш раиси, раисиинг ўринbosари, котиб ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгаш етти кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда ташкил этилади. Кенгашнинг шахсий таркиби ва раҳбариятидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, бир йилда бир марта амалга оширилади.

Университетнинг ректори (директори) ва проректорлари (директор ўринbosарлари) лавозимига кўра Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

10. Университет раҳбариятининг яқин кариндошлари Кенгаш аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11. Кенгаш раиси ва унинг ўринbosари Кенгашнинг биринчи ташкилий мажлисида сайланади, мажлисда олий таълим муассасасининг ректори (директори) раислик килади.

Кенгаш раиси ва унинг ўринbosари Кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

12. Кенгаш раиси Кенгаш зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

13. Кенгаш раиси:

Кенгашнинг йиллик иш режасини тасдиқлайди, шунингдек Кенгашнинг йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисботни Кенгашга ҳамда университет жамоасига тақдим этади;

Кенгаш ишчи комиссиялари ҳисботлари, ахборотларини эшитади, тасдиқлайди;

Кенгаш мажлиси қун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши назорат қилинишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлайди ва алоҳида топшириқларнинг бажарилишини назорат қиласиди ҳамда Кенгаш аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг таркиби, фаолиятини ташкил этишга, ўзgartаришга оид таклифлар киритади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда Кенгаш номидан вакиллик қиласиди;

Кенгашнинг самарали ишлшини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Кенгаш раиси лавозими бўйича университет кенгаши аъзоси ҳисобланади.

15. Кенгаш раиси ўринbosарининг ваколатлари Кенгашнинг қарори билан белгиланади.

16. Кенгаш аъзолари қуйидаги хукуқларга эга:

Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни тайёрлашда иштирок этиш;

Кенгаш мажлисларида ҳамда университет кенгашида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

Кенгаш томонидан тузиладиган шўйбалар, комиссиялар ҳамда ишчи гурухларга сайлаш, сайланиш ва раҳбарлик қилиш;

Кенгашинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

тегишли олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг йиллик иш фаолият рейтингини ҳисоблашда (аниқлашда) ҳайъат аъзолари сифатида қатнашиш ва бу ишларда жамоат назоратини амалга ошириш;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулоса тақдим этиш;

Кенгаш қарорлари билан юкландган бошка вазифаларни бажариш.

Кенгаш аъзолари Кенгаш таркибида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашиши керак. Бундай қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда Кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини Кенгашга ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

17. Кенгаш университетда самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш, ижтимоий-мальнавий муҳит соғломлигини таъминлаш, таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг ҳамда ижодий маданиятнинг янги босқичга кўтаришга оид масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун шўйбалар, комиссиялар ҳамда ишчи гурухларни ташкил этиши мумкин. Шўйбалар, комиссиялар ҳамда ишчи гурухларнинг фаолияти ва таркиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

18. Кенгаш ўз ишларини ўзи тасдиқлаган режалар асосида амалга оширади ва ўз мажлисларини зарурятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказади. Кенгаш раиси томонидан унинг аъзоларининг ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин. Илтимосномаларда навбатдан ташқари мажлисни чақиришнинг сабаблари ва асослари баён қилиниши керак.

19. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса - Кенгаш раисининг ўринbosари бошқаради.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ҳукуқий ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринbosари бўлмаганда Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

20. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладига масалаларнинг хусусиятига кўра, шунингдек шўйбалар, комиссиялар ва ишчи гурухлар таркибида ишлаш учун давлат органлари ва бошка ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, олий таълим муассасасининг ходимлари, бошка жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин.

21. Кенгаш масъул котиби:

Кенгаш мажлисига барча зарур хужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, кун тартиби лойиҳаси, мажлисни ўтказиш вақти ва жойидан хабардор қиласди;

Кенгаш фаолияти учун муҳим бўлган тадбирлар ва ҳужжатлар тўғрисида Кенгаш аъзоларини хабардор қиласди;

Кенгаш қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади;

Кенгаш қарорлари билан унга юкланган бошқа вазифаларни бажаради.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

22. Кенгаш йиғилишлари қоидага кўра, ҳар чорақда камидан бир мартадан ўтказилади.

23. Кенгаш фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, ҳужжатларини юритиш ва сақланишини ташкил этиш Ёшлар иттифоқи университет бошланғич ташкилоти етакчиси томонидан амалга оширилади.

24. Кенгаш иш тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Кенгашнинг иш регламентига мувофиқ ташкил этилади.

25. Кенгаш ўз фаолиятини тўғрисидаги йиллик маълумотни тегишлилиги бўйича юқори турувчи орган- вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорага тақдим этади.

26. Кенгаш ўз фаолиятини таълим муассасасининг ректори (директори) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4-боб. Кенгаш томонидан қарорларнинг қабул қилиниши ва уларининг ижросини ташкил этиш

27. Кенгаш қарори унинг мажлисларида қабул қилинади. Кенгаш йиғилишлари якунлари бўйича, Кенгашнинг барча аъзолари билан келишилган ҳолда (имзо қўйиш орқали) мажлис баёни ҳамда Раис томонидан тасдиқланадиган ва масъул котиб имзолайдиган қарор расмийлаштирилади. Кенгаш мажлис баёни ва қарори тасдиқлангандан кейин бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма ифодалаш ҳуқуқига эга.

28. Раис қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида, Кенгашнинг алоҳида масалалар бўйича қарорларини Кенгаш аъзолари билан сўровнома ўтказиш йўли орқали тасдиқлаши мумкин.

29. Кенгаш қарорлари кенгашнинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган ҳолларда Кенгаш мажлисида раислик қилувчининг овози ҳал килувчи овоз ҳисобланади.

30. Кенгашнинг бир аъзоси унга берилган бир овоз бериш ваколатидан ортиқ овоз бериш ҳукуқига эга эмас.

31. Қабул қилинган қарорлар университетнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида жойлаштирилиши ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мумкин.

32. Кенгаш баёнининг асл нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар Кенгаш масъул котибida сақланади.

33. Олий таълим муассасасининг ректори (директори) Кенгаш ҳужжатларининг сақланиши ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

34. Кенгаш қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ўз ийғилишларида мунтазам равишда қўриб чиқади.

5-боб. Якуний қоидалар

35. Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, масъул котиби ва алоҳида фаол аъзолари олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан ўрнатилган тартибда рағбатлантириб борилади.

36. Кенгашни тарқатиб юбориш Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг қарори асосида амалга оширилади.

37. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган.